

“АДАБИЁТ” ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИГА!

Хурматли таҳририят, илгари газетангизда менинг бир – оилавий фожиам билан боғлиқ мурожаатим чоп этилган эди. Бу сафар мен, бир учи газетангизда эълон қилинган шов-шувли фелъетонга “бориб тақаладиган”, халқимиз хабардор бўлиши муҳим бўлган бошқа бир масалада сизларга юзланишни лозим деб топдим.

Барча миллатларда, жамиятларда турли даражадаги инсонлар бўлади. Жазо муқаррарлиги бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқига тажовузкорларни жиловлаб туриш омилидир. Аслида, қонунларимизда жиноятни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳам назарда тутилган. Менга қолса, фирибгарлик-товламачилик қилганнинг “ўқимишлилар” қатлами-данлиги жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатга ҳисобланиши лозим. Уларга нисбатан қонунлар қатъий қўлланиши керак. Шу билан бирга, уларнинг қилмишини матбуот орқали халққа ошкор этиш лозим. Бу бир тамондан инсонларни алдамчиликдан тийилишга ундаса, иккинчи тарафдан омма ҳам танитилган фирибгар-товламачи “тузоғига илинишликдан” огоҳлан-тирилган бўлади.

Хурматли муҳаррир, газетангизнинг 2020 йил 5 март со-

нида эълон қилинган “Ўзбекистонни БМТда шарманда қилган депутат Сафар Остоновга очик хат” сарлавҳали фелъетонингиз жатиятимизда анча шов-шувли кечган эди. Ушбу мақолангиз орқали, кейинчалик “Америка овози” ва “Озодлик” радиолари мухбирлари Аллакулов билан ўтказган суҳбатлари орқали республика жамоатчилиги гўёки жабрдийда, Термиз давлат университетининг собиқ ректори, иқтисод фанлари доктори профессор Хидирназар Аллакулов билан яқиндан танишди. Жумладан мен ҳам.

Маълум бўлишича, Хидирназар Аллакулов ректорлиги вақтида мафиоз мулозимларга сўзсиз итоат этишга кўнмагани оқибатида судланган ва ноҳақ ишдан ҳайдалган. У судларда 14 бор ғолиб чиқади, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб хатто БМТга мурожаат этади. Мен Хидирназар Аллакуловнинг бу курашини, Ўзбекистон учун, мисли кўрилмаган нотабийлик ва қатъиятлик намунаси сифатида қабул қилдим (балки аслида, тақдирнинг қандайдир “сирли кулиб боқиши” бўлгандир, чунки “эски” Ўзбекистоннинг судьялари Янги Ўзбекистоннинг судьялариданда адолатлироқ бўлган эмас). Чунки мен ҳам олий таълимдаги коррупцияга қарши очик курашиб

кўп жабрланганман, ишдан ҳайдалганман, Тоштурманинг тузини тотишга ҳам тўғри келган. Шу нуқтаи назардан, мен собиқ ректор Аллакуловни ўзимга маслакдош деб ҳисобладим, сиртдан уни ҳурмат қилдим. Юқорида эслаганларимиздан ташқари ҳам Аллакулов ҳақидаги кўп чиқишларда, у жамият, миллат тараққиёти, давлатнинг келажагини тинимсиз ўйлайдиган ва бу йўлда молини ҳам, жонини ҳам аямайдиган ҳалол зиёли сифатида гавдаланган эди. Очиғи, Аллакуловнинг яратилган шу образига мен ишондим. Кўп ўтмай профессор билан йўлларинг айро тушганига ҳайрон ҳам бўлган эдим. У ҳақида яратилган образга ишонганим хато бўлганини 2023 йилга келиб фирибгарлик қилмиши билан Аллакуловнинг ўзи исботлаб қўйди. Шу йилнинг апрель ойида, “sharafburchi.com” блогимда, “Профессор аллакулов шарафлими ёки ...?” сарлавҳа остида бу фирибгарликни “сиз-сизлаб” баён этиб, таҳлилий хулоса чиқаришни ўқувчига ҳавола қилган эдим. Бироқ, Аллакуловга ишонганлар мен каби жабрланмаслиги учун, бу фирибгарликнинг таҳлилини келтириб Бош Прокуратура эътиборини қаратиш зарур кўринади.

КЎРНАМАКЛИК

I. ФИРИБГАРЛИК

1. ҚАРЗИНИ ЁПИШ УЧУН АЛЛАКУЛОВ ҚАРЗ ТОПИШГА ЁРДАМ СЎРАДИ

Хидирназар Аллакулов 2022 йилнинг декабр ойида менга мурожаат қилиб, Фуқаролик судининг ажримлари ва ҳужжатларини юборди. Домланинг имзоси турган бир ҳужжатда 6 ойда қайтариш шарти билан, йигирма беш минг АҚШ доллари (\$25000) қарз олгани акс этган бўлиб, қарзни қайтариш муддати ярим йил аввал ўтиб кетган эди. Суднинг ажримларида, қарзни ундириш ҳақидаги даъво ариза Суд иш юритувига олингани ва қарзни қайтариш кафолати сифатида Хидирназар Аллакуловнинг квартираларига “хибс” эълон қилингани тасдиқланган эди.

Суд жараёни бошланмаган бўлсада, қарзни ва суд ҳаражатларини ундириш ҳақида Ҳал қилув қарори чиқиши аниқ экан. Домла кутилаётган Суд қарори ижроси учун маблағ топиш ташвишида, мендан ёрдам сўради. Мен ишламаслигимни, ижарада туришимизни, қарилек нафақасига яшашимни айтиб, қарз беришга имконим йўқлигини билдирдим. Бироқ бу масалада профессор бир неча бор қайта мурожаат қилди. Домла шогирдларимданми ёки ошна-оғайниларимданми қарз олиб беришимни илтимос қилди. Мен АҚШда ака-укадек бўлиб кетган ошналарим йўқлигини айтдим. У, мендан бошқа ёрдам сўрайдиган одами йўқлигини айтиб, вазиятдан чиқиб олиши учун банкдан кредит уюштириб беришимни сўради. Кредит қайтимини ойма-ой эмас, балки тез кунда бир йўла тўлиқ қайтараягини таъкидлади.

2. АЛЛАКУЛОВГА ИНСОН ЖАЗМ ЭТМАЙДИГАН УСУЛДА ЁРДАМ БЕРИШГА АХД ҚИЛДИМ

Мен маблағга муҳтож бўлганимда (*қизимни узатишда*) яшаётган квартирамизни сотиб ота ҳовлига кўчиб борганман, АҚШга кетишимизда (*консуллик тўловлари ва йўл харажати учун*) акамдан қарз олганман. Бошқа бирор одамдан умримда қарз сўраган ҳам эмасман. Албатта, қурби етган инсонлар ишонган кишисига қарз бериши, хатто маблағ ҳадя этиши мумкин. Аммо имкони бўлмай туриб, қарз сўраётганим қўллаш мақсадида бошқалардан қарз олиб беришга ёки бошқа инсон номига банкдан кредит олиб беришга жазм қилувчи инсонни топиш қийин бўлса керак.

Мен профессор Аллакуловнинг субутига ишондим, унинг зорланишларига ва тушиб қолган вазиятига бефарқ бўла олмадим. Набирам ва

фарзандларим норози бўлишаётганига қарамай собиқ ректорни вазиятдан қутқариш учун унга инсон жазм қилмайдиган усулда ёрдам беришга аҳд қилдим. Шу мақсадда, телеграмдаги гуруҳимизга, **“2-3 минг доллар қарз бериши мумкин бўлган биродарлар хабар беришини сўрайман, Аллоҳ мени ҳузурига олгудек бўлса ҳам, қарзларни 3 ойдан кечикмай қайтарилишига кафолат бераман”** деб, эълон қўйдим. (*Бу эълоннинг скриншотини. Аллакулов билан мулоқотимизга воситачилик қилаётган ҳозирда Францияда яшаётган Мухаммад Аминга жўнатганман*). Бирнеча улфатдошим (*қарз сўрашнинг сабабини суриштирмай*) ҳиммат кўрсатишди. Қарз сифатида йиғилган жами \$12000 маблағни Хидирназар домланинг илтимосига кўра, унинг Ақром исмли куёвига етказиб берди.

2023 йили 21-феврал куни “YouTube”да намойиш этилган “воқеа”дан англашилича, Хидирназар Аллакулов қандайдир тўловларни муддатиде тўламаган бўлиб, МИБ ходимлари тўловларини ундириш учун домланинг уйига келади. домла МИБ ходимларининг кўз ўнгига фарзандини банкка юбориб тўловларни намойишкорона тўлашга муваффақ бўлади. Яъни домла \$25000 қарз бўйича Суд қарори ижросини таъминлаш мақсадида жўнатган маблағимиз туфайли, бу гал уй жиҳозларини мусодара бўлишдан асраб қолади.

Аммо \$25000 қарзни ва Суд ҳаражатларини қоплашга етарли маблағ топиш масаласи ҳали мумаммо эди. Банкларнинг кредит бериш критериясини, албатта менинг кредит “рейтингим” қаноатлантирмади. Банкдан кредит олиб бериш масаласида танишларга мурожаат қилмоқчи эканимни айтиб, кредит қандай муддатда қайтарилажагини ваъда қилишим лозимлигини (Мухаммадамин Эрматов орқали) Домладан сўрадим. Эртасига “3 ой етарли” эканини айтишди.

Кредит олиб бериш масаласида кўп танишлардан имкониятларини сўрадим (*бу мурожаатим учун кўплар мендан ранжиб ҳам қолмишди*). Ниҳоят розилик берган олийҳиммат бир биродарим билан банкларга мурожаат қила бошладик. “Santander” банки бу биродаримга, йиллик 18,3% фоиз ставкаси билан, \$15000 кредит беришга рози бўлди (*ўта зарурат туфайли ва қисқа муддатда қайтариш мақсадида олинаётгани учун кредитнинг фоиз ставкаси бизни қизиқтиргани йўқ*). Мен бу биродаримга (*у сўраган бўлмасада*) ўз номимдан нотариус орқали тилхат

ёзиб бердим. 2023 йилнинг 5-март куни бу биродарим банкдан нақд \$15000 олишга муваффақ бўлди ва 7-март куни бу маблағни профессор Аллакуловнинг Ақром исмли куёвига етказиб берди.

Интернетда намойиш этилган кўрсатувдан маълум бўлишича, Суд қарорининг ижро муддати туғашидан кейинги кун (*адашмасам, 8-март куни*) МИБ ходимлари гуруҳи Хидирназар Аллакуловнинг уйига ташриф буюради. МИБ ходимлари ҳузурида Аллакулов фарзандини банкка “югуртириб”, \$25000 қарз бўйича Суд қарорини ижро этади. Шундай қилиб, биз юборган маблағ туфайли, Домла Аллакулов оғир бир вазиятдан чиқиб олади.

3. БИЗНИНГ НСОН ЖАЗМ ЭТМАЙДИГАН ҚЎЛЛОВИМИЗГА ХИДИРНАЗАР ДОМЛАНING АБЛАҲОНА ЖАВОБИ

Қўлловимиз собиқ ректор учун самара берганидан мен ҳам, банкдан кредит олиб берган олийжаноб бродарим ҳам қониқиб ҳосил қилдик. Бизнинг бу қўлловимизни баъзи кимлардир эътиборга арзигулик ҳисобламас. Аммо Аллакулов суд қарорини ижро муддатидан бир кун ўтиб бажаргани учун қўшимча \$1000 жарима тўлагани ҳақида интернетга жар солгани ҳисобга олинса, бизнинг самимий ҳаракатимиз туфайли, кутилаётган нохушлиқлар бартараф бўлганини тахмин қилиш мумкин.

Афсуски, қилган ёрдамимиздан мамнунлигимиз узоқ давом этмади. Мен қарзларни 3 ой муддатда қайтариш шарти билан йиғганимни юқорида айтиб ўтган эдим. Бу муддат ўтди, 4 ой ҳам ўтди, 5 ойдан ҳам ошди, лекин профессор Аллакуловдан қарзни қайтариш борасида садо чиқмади. Бу орада қарз берган Бродарлар безовта бўла бошлашди. Банкдан кредит олиб берган биродарим кредит рейтингини тушиб кетгани туфайли ҳеч бир иши битмай қолаётганини айтиб, норозлилик билдира бошлади. “Ҳеч бўлмаса, кредитнинг 5 минг доллорини тезликда қайтарсам, рейтингим тикланар эди” деб, “илтимос” қилди. Мухаммадамин Эрматовга телефон қилиб, бу гапларни Аллакуловга етказишни сўрадим. Ниҳоят, 9 август куни Хидирназар Аллакулов мен билан боғланиб, бир телефон номерини берди. “Ака, шу йигитга телефон қилинг, ҳозир \$5000 ўтказиб беради сизга, сизнинг руҳсатингизни олмасдан телефонингизни унга беришни лозим топмадим”, деди. 19-август куни домлага, “телефон номерини берган одамнингиз бетайин экан”

деган хабар юбордим. Профессор реакция қилмади. 31-август куни телеграм канали орқали домлага, гаплашишимиз зарурлигини ёзиб юбордим. Яна реакция бўлмади. 10-сентябрда телефон қилиб кўрдим, Аллакулов жавоб бермади.

4. ПРОФЕССОР АЛЛАКУЛОВНИНГ МАҚСАДИНИ АНИҚ ТУШУНИШ ҚИЙИН БЎЛДИ

Қайта-қайта мурожаатларимга домла Аллакулов жавоб бермади. “Чора тополмай қолаяпман, сиз билан маслаҳатлашишим керак” деб, бирнеча бор Хидирназар Аллакуловга ёзиб юбордим. Домлага етказинг деб, кўп бора Мухаммадамин Эрматовга мурожаат қилдим. Бир гал Мухаммадамин, – домла билан мулоқотда бўлганларга кучли таъйиқ бўлаётган эмиш, шунинг учун домла сиз билан алоқага чиқмаётган эмишлар, – деди. Яна бир гал, – вазият ёмон эмиш, Сафар Бегжон бир “гап” тарқатибди, сизга салбий таъсири бўлмасин деб, Хидирназар ака сизга телефон қилмаётган эканлар, – деди. “Суд қарори ижросини таъминлаш мақсадида балки берганлар учун бу галати гаплар қандай мантиққа эга бўлиши мумкин? Ёки бу, фирибга кўнмаганга товламачилик услубини қўллаб кўришми?”, деб ўйладим. Ҳар қалай бу вақтлар нима мақсадда айтилаётганини аниқ тушуна олмадим.

Аллакулов мендан ёрдам сўраб илтижо қилгандаги ваъдаларига кўра, Суд қарори бўйича қарз ва Суд ҳаражати тўласа, квартиралари “хибсдан” чиқарилади ва биздан олган қарзи ва банк кредитини тўлалигича қайтариши кўзда тутилган эди. Аммо у қарзларни қайтаришни шарт деб ҳисобламади. Гаплашиш учун 5-ноябр кунини танлаб, Домлага “таклиф” юбордим. Гаплашдик, қарз берганларга етказишим учун қарзини қайтаришга бирор муддат белгиланиши сўрадим. У муддат белгиланади, “қаттиқ ҳаракат қилажагини” айтиш билан кифояланди холос.

22-декабрь куни Аллакуловга қўнғироқ қилдим. Унинг *субутига ишониб, қарз берганлар олдида ўзим субутсиз бўлиб қолаётганим ҳақидаги* эътирозларимни айта бошлаган эдим, у тоқатсизланди. Ўзининг телефони орқали гаплашаётгани туфайли, суҳбатни “бошқалар” эшитишаётган бўлиши мумкинлигидан хавотирда эди чоғи. “Қарз масаласини Мухаммад Аминга тайинлаганини, Мухаммад Амин ва икки ўғли оилалари билан Францияда эканини, улар масалани албатта ҳал қилиб беришини, ўзи кечкурун қайта телефон қилишини айтиб, суҳбатни узди. Лекин,

у кечкурун ҳам, кейин ҳам телефон қилмади.

Бир гал “беш минг доллар ҳозир ўтказиб беради” деб бир бетайин йигитнинг телефонини бергани каби, қарзни Мухаммад Амин тўлаб беради дейиш навбатдаги алдамчилик эди. Чунки, Мухаммад Амин ва унинг фарзандлари ҳали қўлловга муҳтож эканликларидан, улар Францияда ишлаш ҳуқуқига эришиш жараёнида эканликларидан Аллакулов ўша вақтда хабардор бўлган. Ҳатто, Тошкентдаги қизи бошига тушган молиявий мумаммо туфайли, Мухаммад Амин 2022 йилнинг октябрь ойида, қисқа вақтда қайтариш шарти билан, мендан \$2000 қарз олган бўлган. Мухаммад Аминнинг айтишича, бундан хабар топган Хидирназар Аллакулов, ўша пулнинг ҳам \$1500 ни Мухаммад Амಿಂದан сўраб олган. Оқибатда, қарз олганига 14 ой бўлган бўлсада, Мухаммад Амин ҳали ўз қарзини қайтара олмаган эди. (*Ҳатто, бузғунги кунгача Мухаммадамин қарзининг \$1500 ни қайтара олди, \$500 ни ҳали бера олгани йўқ.*)

Нияти пок, Аллоҳнинг бандаси эканини унутмаган инсон олган қарзини дарҳол “ҳужжатлаштириб” қўяди. Профессор Аллакулов шу инсоний қондага ҳам риоя қилмади (*балки, “аввалоги ҳолдаги каби хатоликка йўл қўймайди, судга мурожаат қилишга имкон бўлмасин”, деб ўйлагандир*).

Менинг илтимосимга кўра, Мухаммадамин Эрматов Аллакуловнинг куёви Ақромга боғланиб, ундан (*бизнинг жўнатганларимиз бўйича*) қўлига олган пуллари ёзиб беришни сўради. Бироқ, у ёзиб бермабди (*албатта, Домла руҳсат бермаган бўлса керак*).

Шу эътирозларимни хатга тушириб ва ушбу воқеани эълон қилишим мумкинлигига ишора бериб, телеграм канали орқали 26-декабр куни уни Аллакуловга юбордим. У жавоб бермади.

5. СОБИҚ РЕКТОР НИЯТИНИ ОШКОР ЭТИБ ҚЎЙДИ

29-декабрь куни кечкурун профессор Аллакуловга телефон қилдим. Бир соатлар ўтиб (Тошкентда 30-декабр куни) у жавоб берди. Мен, табиийки, қарз берганлар олдидаги мажбуриятни бажариш лозимлиги, қандайдир вақтлар келтириш мажбуриятни бажармасликка асос бўлаолмаслиги ҳақида, юқорида келтирган эътирозларимни тушунтирмоқчи бўлдим. У қарзларни қайтармаганидан ҳижолат билдирмади, балки уни табиий ҳол сифатида урғулади ва ўз қийинчиликлари ҳақида гапирди. У, **“сизлар (мен, банкдан кредит олиб берган**

ва қарз берган биродарларни назарда тутаятган эди) халқ учун, халқ манфаати учун ҳаракат қилгансизлар”, деди. Бир жумла билан шу вақтгача намоён этиб келаётган бебурдлиқлари асосида унинг “МУТАҲАМЛИК ҚИЛИШ НИЯТИ” ётгани ошкор этди. Воқеа баёни билан танишган ҳар бир ҳолис инсонга, унинг бу важи ҳеч бир қолипга сигмаслиги равшан. Аммо бу гап Аллакуловнинг фитратидан чиққан ишончи бўлса, у хавотирга арзигулик ҳолат. Унинг ҳавотирга арзигулиги шундаки, бундай фикрлаш, инсонларнинг мол-мулкни тортиб олиб ўзларини “сибир қилинган” каби, мудҳиш ҳолатларни оқлашга етаклайди.

6. ПРОФЕССОР АЛЛАКУЛОВГА ЙЎЛЛАГАН ОХИРГИ МУРОЖААТИМ

Шахсий олган қарзини халқ манфаатига тўнқаш хавотирли фикр эканини баён этиб ва биз юборган маблағлар билан бирга кредитнинг ойма-ой тўланаётган фоиз тўловларини ҳам қайтариш мажбурияти ҳақида нотариал тилхат ёзиб беришлик лозимлигини такрор эслатиб, 2024 йилнинг 6-куни Аллакуловга охириги мурожаатимни йўлладим. Профессор бу гал тилхат беришдан бўйин товлаёлмаслиги аниқ эди. Зеро, (*қарз берганларга кўрсатишим учун*) Ақром олган пуллари ёзиб беришдан бош тортаган, (*жўнатмаларнинг барчасини ўзим биламанку”, деб*) Мухаммад Аминнинг ўзи тилхат ёзиб берган эди. Мухаммадаминнинг “тилхат”идан Аллакулов хабар топган эди. Шунинг учун, олган қарзларига тилхат беришдан энди бош тортиши фирибгарлик мақсадини аниқ исботи сифатида малякаланишини Аллакулов домла яхши билган албатта.

Кутганимдек, 7-январ куниёқ Домла, салом-давом насиия қилиб(!), менга тилхат ёзиб жўнатди. Унда, “Сўрхондарё ... даги мулкимни Суд таъқиқидан ечиб сотсам қарзимни қайтариш шарти билан, Сиздан 2023 йил март ойида \$25000 қарз олганман” дейилган эди. Мазкур мулк бўйича, ҳозирда суд жараёни давом этаётгани ҳам айтилган. Бир сўз билан айтганда, энди “имконият туғилганда қайтариш шарти билан қарз олганман”, деган иддаони билдира бошлади собиқ ректор. Инсон бу даражада ёлгон гапираолиши учун ўта “қатъиятли”, жайдари тилда айтганда ўта сур бўлиши керак. Шу маънода, профессор Хидирназар Аллакуловнинг “қатъиятига” қойил қолмасдан иложи йўқ. Аммо,

